



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI “O‘ZARXIV” AGENTLIGI
AGENCY “UZARCHIVE” OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100043, O‘zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Chilonzor ko‘chasi, 2-uy.
Tel.: (71) 277-24-25, (71) 277-13-35, el. pochta: uzarchive@archive.uz, archive@exat.uz, www.archive.uz

2022-yil 20-dekabr

01-26-06/1670-son

O‘zbekiston Respublikasi
Adliya vazirligi

O‘zbekiston Respublikasi
Prezidenti huzuridagi
Strategik islohotlar agentligi

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq, “Inson qadrini ulug‘lash va faol mahalla yili”da amalga oshirishga oid Taraqqiyot strategiyasi va Davlat dasturida belgilangan chora-tadbirlarning ijrosi yuzasidan “O‘zarxiv” agentligi tomonidan 2022-yilda amalga oshirilgan ishlar to‘g‘risidagi ma‘lumotlar ilovaga muvofiq taqdim etilmoqda.

Ilova 9 varaqda.

Direktor



U. Yusupov

**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида
ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ**

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
<p align="center">I. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ (Масъуллар — Т. Нарбаева ва Н. Исмоилов)</p>							
<p align="center">5-мақсад. Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш</p>							
1.	<p>18. Вазирлик ва идораларда иш юритиш ва маъмурий бошқарув жараёнлари сифатини такомиллаштириш.</p>	<p>Вазирлик ва идоралар фаолиятига сифат менежменти тизимининг халқаро стандартини (ISO: 9001) жорий қилиш. Бунда, ушбу тизимни 2022 йилнинг якунига қадар вазирлик ва идораларнинг 30 фоизда жорий қилиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил якунига қадар	-	<p>Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Д. Сагторов, вазирлик ва идоралар</p>	<p>Бажарилди. – “Ўзархив” агентлиги марказий аппарати (бошқарув) фаолиятига сифат менежменти тизимининг халқаро стандартини (ISO:9001) жорий қилиш юзасидан амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Агентликнинг 2022 йил 28 февралдаги 01-26-06/284-сон хати асосида Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан (2022 йил 7 мартда) келишилди. – “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил 10 мартдаги 50-сон буйруғига асосан мазкур режа ҳамда ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. – “Вазирлик ва идоралар фаолиятига ISO 9001 халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимининг жорий этиш” мавзусида жорий йил 31 март ҳамда 4 апрель кунлари Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан ташкил этилган видеоконференцалоқа орқали ўтказилган семинарда Агентлик (марказий аппарати мутахассис ва ходимлари) томонидан иштирок этилди. – “Ўзархив” агентлиги (бошқарув) фаолиятига ISO 9001 халқаро стандартни жорий этиш (баҳолаш аудитини ўтказиш, ходимларни малакасини ошириш) мақсадида Агентлик томонидан техник шартлар лойиҳаси ишлаб чиқилди, шунингдек, аккредитациядан ўтган ва миллий</p>

						<p>сертификатлаштириш тизимида тан олинган компаниянинг профессионал консултив хизматидан фойдаланиш учун билдирилган таклифлар асосида мазкур компанияларнинг фаолияти даврийлиги, кўрсатилган хизматлар сифатини ўрганиш ишлари ҳамда Давлат харидлари портали (https://xarid.uzex.uz) орқали шартнома тузиш бўйича ташкилий ишлар олиб борилди. Давлат харидларини амалга ошириш мақсадида 5 кишидан иборат Харид комиссияси тузилиб, xarid.uzex.uz порталига киритилди. (https://etender.uzex.uz/customer/edit-trade/draft/64790)</p> <p>– “Ўзархив” агентлиги фаолиятига ISO 9001 ва ISO 37001 халқаро стандартларни жорий қилиш мақсадида “Давлат харидлари” электрон порталида энг яхши таклифларни аниқлаш учун конкурс (лот 22110012107929) шартлари жойлаштирилди.</p> <p>– “Ўзархив” агентлиги (бошқарув) фаолиятига ISO 9001 халқаро стандартни жорий этиш (баҳолаш аудитини ўтказиш, ходимларни малакасини ошириш) мақсадида Агентлик томонидан техник шартлар лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.</p> <p>– “Ўзархив” агентлиги томонидан Etender.uzex.uz портали (лот рақами 129560) орқали “GLOBAL MANAGEMENT CONSULT” MChJ ҳамда ALFAKON SYSTEMS MChJ ўртасида танлов ўтказилди. Танлов натижаларига кўра “GLOBAL MANAGEMENT CONSULT” MChJ ғолиб деб топилди, консултив хизмат кўрсатиш учун мазкур компания билан 2022 йил 26 августда 195/22-сон шартнома имзоланди, шунингдек, мазкур шартномага асосан аванс тўлови ўтказиб берилди.</p> <p>– “GLOBAL MANAGEMENT CONSULT” MChJнинг 2022 йил 20 сентябрдаги 38/22-сон хати асосида ISO 9001:2015 ва ISO 37001:2016 халқаро стандартлари бўйича консалтинг хизматини кўрсатиш ишлари бошланганлиги билдирилди.</p> <p>– Агентликни ISO 9001:2015 ва ISO 37001:2016 халқаро стандартларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилди (диагностик аудит ўтказилди), ISO стандарти жорий қилиниш соҳаси ҳамда ISO стандартларига мувофиқ иш юритиш жараёнлари аниқланди, ушбу иш юритиш жараёнларини кириш</p>
--	--	--	--	--	--	--

						<p>ва чиқиш маълумотлари, жараён тавсифи ва мақсадлари ёзилиб, қоғозга туширилди. Шунингдек, Агентликнинг ташқи ва ички омиллари SWOT-таҳлили ёрдамида аниқланди, Агентликка алоқадор манфаатдор томонлар рўйхати тузилди.</p> <p>– “Ўзархив” агентлиги бошқарув фаолиятига ISO 9001:2015 ҳамда ISO 37001:2016 халқаро стандартларини жорий этиш бўйича Сиёсат ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, шунингдек, ходимлар тегишлича таништирилди.</p> <p>– Агентликнинг бошқарув фаолиятига ISO 9001:2015 ва ISO 37001:2016 халқаро стандартларини жорий этиш бўйича ISO стандартларига мувофиқ иш жараёнлари таҳлил қилинди, қайта кўриб чиқилди ва тасдиқлашга берилди.</p> <p>– “Ўзархив” агентлигида ISO 9001:2015 ва ISO 37001:2016 халқаро стандартлар талаблари асосида бирлаштирилган бошқарув тизимини жорий этиш бўйича олиб бориладиган ишлар (процедуры) ва иш юритиш жараёнлари (процессы) ҳужжатлари ҳамда 2022-йил учун мақсадлар (цели) ишлаб чиқилди ва таҳлили ўтказилди, шунингдек, уларни амалиётга жорий этиш учун Агентликнинг 2022 йил 9 ноябрдаги 203-сон буйруғи билан тасдиқланди.</p> <p>– “Ўзархив” агентлиги бошқарув фаолиятига “ISO 9001:2015 ва ISO 37001:2016 халқаро стандартлари бўйича бошқарув тизимини ишлаб чиқиш” юзасидан 2022 йил 22-25 ноябрь кунлари ўқитиш курси ташкил этилди. Ушбу курсда 21 нафар тингловчи иштирок этиб, ўқиш якунида тест синовларидан муваффақиятли ўтган ходимларга тегишли сертификатлар топширилди.</p> <p>– “Ўзархив” агентлиги бошқарув фаолиятига ISO 9001:2015 ҳамда ISO 37001:2016 халқаро стандартлари талаблари асосида иш юритиш ҳужжатлари ишлаб чиқилди, тегишлича тасдиқланди ва амалиётга жорий этилди.</p> <p>– “Ўзархив” агентлигида ISO 9001:2015 ва ISO 37001:2016 халқаро стандартлар талаблари асосида бирлаштирилган бошқарув тизими бўйича ички аудит дастури, ички аудитни ўтказиш режаси, ички аудиторлар гуруҳини шакллантириш ва уларни билимларини баҳолаш юзасидан тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилди ҳамда таҳлили ўтказилди, шунингдек, ички аудитни</p>
--	--	--	--	--	--	--

							Ўтказиш тўғрисида Агентликнинг 2022 йил 15 декабрдаги 217-сон буйруғи билан тасдиқланди. 2022 йил 19 декабрь куни “Ўзархив” агентлигида ISO 9001:2015 ва ISO 37001:2016 халқаро стандартлар талаблари асосида бирлаштирилган бошқарув тизими бўйича режага мувофиқ ички аудит ўтказилди.
V. МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СОҲАНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ (Масъуллар – Х.Султонов ва А.Абдухакимов)							
75-мақсад: Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, аҳолининг бадиий-эстетик дидини юксалтириш							
2.	274. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш.	1. Қуйидаги атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг таваллудларини муносиб нишонлаш: Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги; Зинаида Ковалевская таваллудининг 120 йиллиги; 2. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомлари яшаб ва ижод қилган уйларига ёдгорлик лавҳаларини ўрнатиш. 3. Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан ҳайкал ўрнатиш. 4. Ижодий кўргазма ва илмий-амалий конференциялар ўтказиш.	Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баёнлари		Давлат бюджети маблағлари	Бадиий академия А.Нуридинов, тегишли вазирлик ва идоралар	Бажарилди. – Ўзбекистон халқ рассомлари (Ч.Ахмаров, З.Ковалевская)нинг таваллудларини муносиб нишонлаш тадбирларида “Ўзархив” агентлиги тизимидаги Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллий архивини иштирок этиши юзасидан Агентликнинг 2022 йил 28 февралдаги 01-26-06/275-сон таклиф хати Бадиий академияга юборилди. – 2022 йил 20 апрель куни Ўзбекистон давлат санъат музейида ўтказилган “Зинаида Ковалевская таваллудининг 120 йиллиги”га бағишланган ижодий кўргазмаси ўтказилди. Мазкур кўргазма материаллари (пресс-релиз) ҳамда фотоқўргазма жараёнидан видеотасвир ва фотосуратлар Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллий архиви сақлови учун олинди. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 августдаги 83-сон (31-31/1-1813-сон) Баёни ва унга илова “Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш юбилей тадбирларнинг ўтказиш бўйича Чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди. – Атоқли Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров таваллудининг (18.08.1912 й.) 110 йиллиги муносабати билан хужжатли фильм олишга материаллар тайёрлаш мақсадида, 2022 йил 18 август куни Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллий архиви директори А.Махкамов ва кино оператор А.Убайдуллаев иштирокидаги жамоа таниқли рассомнинг уй музейига ташриф буюришди. Ушбу ташриф давомида тасвирга олинган видео ва фото материаллар давлат сақловига топширилди.

3.	275. Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада омалаштириш.	<p>1. Қуйидаги халқаро санъат тадбирларини ташкил этиш:</p> <p>Замонавий санъат биеннаlesi; “Тошкент қувончлари” халқаро болалар расмлари биеннаlesi; “Тасвирий ва амалий санъат” фестивали.</p> <p>2. Ушбу халқаро санъат тадбирларининг ҳар бирига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баёнлари	2022 йил декабрь	Давлат бюджети маблағлари	Бадий академия А.Нуридинов, тегишли вазирлик ва идоралар	<p>Бажарилди.</p> <p>– Халқаро санъат тадбирларини ташкил этишда “Ўзархив” агентлиги тизимидаги Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архивини иштирок этиши юзасидан Агентликнинг 2022 йил 28 февралдаги 01-26-06/275-сон таклиф хати Бадий академияга юборилди.</p> <p>– 2022 йил 30 май куни Ёшлар ижоди марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Миллатлараро дўстлик маркази ташаббуси билан ўтказилган “Заминда тинчлик бизнинг қўлимизда” халқаро болалар расмлари кўргазмасида иштирок этилди.</p> <p>– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 сентябрдаги 91-сон (31-31/1-180-сон) Баёни ва унга 2-илова “2022 йил – Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилига бағишланган IX Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesi Дастури” ҳамда 3-илова “2022 йил – Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилига бағишланган IX Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди.</p> <p>– Атоқли композитор ва дирижёр Мухтор Ашрафий уй музейида ижодий тадбир ўтказиш мақсадида 2022 йил 4 октябрь куни ушбу уй музейи директори, “Дўстлик” ордени соҳиби Н.Гунова мезбонлигида, А.Навоий номли Академик опера ва балет театри дирижёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ф.Якубжанов, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А.Шарипова, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви директори А.Маҳкамов ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Маданият ва маърифат” телеканали ижодкорлари ташриф буюришди.</p> <p>– 2022 йил – Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилига бағишланган жорий йил 24-27 октябрь кунлари ўтказилиши кўзда тутилган IX Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesида иштирок этиш учун Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архивининг 2022 йил 19 октябрдаги 01-23/286-сон хати асосида 7 нафар</p>
----	--	---	-------------------------------------	------------------	---------------------------	---	---

						<p>иштирокчилар рўйхати Бадий академияга юборилди.</p> <p>– 2022 йил 24 октябрь куни Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида IX Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. “Рассом ва жамият. Келажак санъати концепциялари” мавзусидаги Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesi 28 октябрь кунига қадар давом этди. Ушбу IX Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесининг очилиш маросимида Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллий архиви ходимлари, вазирликлар, идоралар, дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари, 35 та хорижий давлат ҳамда юртимизнинг 50 нафар замонавий тасвирий санъат усталари иштирок этдилар. Марказий кўрғазмалар залида халқаро ва маҳаллий ижодкорлар тасвирий санъатнинг қатор замонавий йўналишлари – поп-арт, рақамли санъат, инсталляция, видео ва фото арт, рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик бўйича жаҳон ва миллий санъат намуналари намойиш этилди. Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллий архивининг фото оператори А.Убайдуллаев томонидан мазкур Биеннале маросимлари видео ва фото тасвирларга олинди. Ушбу тадбир бўйича тўпланган материалларни давлат сақловига топшириш ишлари амалга оширилди.</p> <p>– 2022 йил 15 ноябрь куни Ўзбекистон давлат консерваториясида Мухтор Ашрафий таваллудининг 110 йиллигига бағишланган “Мухтор Ашрафий - композитор, дирижор, педагог” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллий архиви бўлим мудири Г.Қулматова ва З.Сулеймановалар илмий маърузалари билан иштирок этдилар. Маърузада бастакор М.Ашрафий ҳаёти ва ижодига бағишланган кино ва фото архив манбаларига эътибор қаритилди. Мазкур конференцияда кўплаб хорижий меҳмонлар, санъат арбоблари, консерватория талабалари ва манфаатдор идораларнинг вакиллари иштирок этишди.</p>
--	--	--	--	--	--	---

VII. МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШ

(Масъуллар – В.Махмудов, А.Азизов, С.Сафоев)

94-мақсад. Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш

4.	356. Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари музейлари ҳамда архивлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат тарихи ва маданиятини акс эттирувчи каталогларни биргаликда нашр этиш.	Икки ва кўп томонлама лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш бўйича таклифлар киритиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил ноябрь	Лойиҳалар ҳажмига мувофиқ	<p>Маданий мерос агентлиги Ш.Нуруллаев,</p> <p>Маданият вазирлиги О.Назарбеков,</p> <p>“Ўзархив” агентлиги У.Юсупов,</p> <p>Ташқи ишлар вазирлиги А.Камилов</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>– Давлат дастурининг мазкур банди ижроси юзасидан Маданий мерос агентлиги, Маданият вазирлиги ҳамда нусхаси Ташқи ишлар вазирлигига “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил 25 февралдаги 01-26-08/263-сон таклиф хати юборилди.</p> <p>1. 2007 йил 26 июлда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида архив иши соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим” Тошкент шаҳрида имзоланган;</p> <p>- Мазкур ҳужжат асосида томонлар архив иши ва ҳужжатлар соҳасидаги эксперт ва мутахассислар алмашинувини, бир-бирини кизиктирган архив ҳужжатлари нашрлари билан алмашинувини, ўзаро тадқиқотчиларга кўмаклашишни, ўзбек ва қозоқ халқлари тарихи ва маданиятига доир ҳужжатларнинг нусхаларини бир-бирига тақдим этишни, кўргазмалар ва конференцияларни ўтказиш ишлари амалга ошириб келинмоқда;</p> <p>- “Қозоғистон Республикаси Президенти Архиви” Республика давлат муассасаси директори А.Мустафинанинг 2022 йил 12 августдаги 400-И-сон таклиф хати ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг 2022 йил 7 сентябрдаги 16/33180-сон розилик хатига мувофиқ, “Очиқ жамиятга – очиқ архив” I Халқаро Архивчилар Конгресси жорий йил 19-21 октябрь кунлари Олма-Ота шаҳрида ўтказилиши муносабати билан “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Х.Исаев бошчилигидаги делегация аъзолари ўз маърузалари билан иштирок этдилар.</p> <p>2. “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Архив бош бошқармаси ўртасида архив иши ва иш юритиш соҳасида Англашув меморандуми” лойиҳаси ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилди;</p> <p>- Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисидаги Қонун талабларига</p>
----	--	--	-----------------------	-----------------	---------------------------	---	---

						<p>мувофиқ, “Ўзархив” агентлиги томонидан мазкур ҳужжат лойиҳаси ўзбек ва рус тилида тайёрланиб, Ташқи ишлар вазирлиги орқали Тожикистон Республикасига кўриб чиқиш учун юборилди.</p> <p>3. 2022 йил 3 ноябрь куни Бишкек шаҳрида Ўзбекистон ва Қирғизистон ташқи ишлар вазирлари ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистон Республикасига бўлажак давлат ташрифига сифатли тайёргарлик кўриш жараёнлари муҳокама қилинган бўлиб, мазкур музокаралар якунида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги ва Қирғизистон Республикаси Рақамли ривожланиш вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум” ҳам имзоланган;</p> <p>- Ушбу Меморандумга мувофиқ иштирокчилар эндиликда ўз давлатлари қонунчилигига биноан тенглик ва ўзаро манфаат асосида архив иши соҳасида ўз ваколатлари доирасида ҳамкорликни ривожлантирадилар.</p> <p>4. “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ва Туркменистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Архив бош бошқармаси ўртасида архив иши ва иш юритиш соҳасида англашув меморандуми” лойиҳаси ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш жараёнида.</p> <p>– Юқоридаги ҳамкорлик ҳужжатлари асосида иштирокчи давлатлар орасида архив ҳужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, архив ишини ахборотлаштириш бўйича маълумотлар ва иш тажрибасини манфаат асосида ўзаро алмашиш, тадқиқотчиларнинг давлат архивларидаги ишларида кўмаклашиш, ўз давлатлари фуқаролари ва ташкилотлари сўровларини қонунчиликка мувофиқ тасарруфларида бўлган архив ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш, архив иши соҳасига илм-фан ютуқларини мунтазам равишда татбиқ этиб бориш, илмий алоқаларни ривожлантириш, архив тадқиқотларини олиб бориш аҳамиятини инобатга олган ҳолда амалий кўмак беришга қаратилган ҳамкорликни йўлга</p>
--	--	--	--	--	--	--

						<p>кўйиш, кўшма конференциялар, кўргазмалар ўтказиш ва каталоглар чоп этиш, ўзбек ҳамда тожик, қирғиз ва туркман халқлари тарихи ва маданиятига доир ҳужжатларнинг нусхаларини бир-бирига тақдим этиш каби масалалар кўзда тутилади.</p> <p>– “Ўзархив” агентлиги ва Туркия Республикаси Президенти девони ҳузуридаги Давлат архивлари бошқармаси ўртасида 2018 йил 30 апрелда имзоланган Протокол доирасида икки томон ҳамкорлиги асосида ишлаб чиқилган ва тайёрланган “Ҳужжатларда Туркия-Ўзбекистон алоқалари” номли китоб-альбомда Марказий Осиё давлатларига доир архив ҳужжатлари ҳам акс эттирилган. Мазкур китоб-альбом тақдими 2022 йилнинг 21-24 декабрь кунлари Туркия Республикасида ўтказилиши режалаштирилган.</p>
--	--	--	--	--	--	---